

№ 3 (3) - 2023

ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ
СОЦИАЛЬНО-ГУМАНИТАРНЫХ НАУК

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES
AND SOCIAL SCIENCES



ЭЛЕКТРОН ЖУРНАЛ
ЭЛЕКТРОННЫЙ ЖУРНАЛ
ELECTRONIC JOURNAL

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

№ 3 (3)-2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

ТОШКЕНТ-2023

БОШ МУҲАРРИР:

Исанова Феруза Тулқиновна

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

ТАРИХ ФАНЛАРИ:

Юлдашев Анвар Эргашевич – тарих фанлари доктори, сиёсий фанлар номзоди, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Мавланов Укташ Махмасабирович – тарих фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Хазраткулов Аброр – тарих фанлари доктори, доцент, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети.

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ:

Ҳакимов Назар Ҳакимович – фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Яхшиликов Жўрабой – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат университети;

Ғайбуллаев Отабек Мухаммадиевич – фалсафа фанлари доктори, профессор, Самарқанд давлат чет тиллар институти;

Ҳошимхонов Мўмин – фалсафа фанлари доктори, доцент, Жиззах педагогика институти;

Носирходжаева Гулнора Абдукаххаровна – фалсафа фанлари номзоди, доцент, Тошкент давлат юридик университети.

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Ахмедов Ойбек Сапорбаевич – филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети;

Қўчимов Шуҳрат Норқизилович – филология фанлари доктори, доцент, Тошкент давлат юридик университети;

Салаҳутдинова Мушарраф Исамутдиновна – филология фанлари номзоди, доцент, Самарқанд давлат университети;

Кучкаров Рахман Урманович – филология фанлари номзоди, доцент в/б, Тошкент давлат юридик университети;

Юнусов Мансур Абдуллаевич – филология фанлари номзоди, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдов Улугбек Арипович – филология фанлари номзоди, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси.

ЮРИДИК ФАНЛАР:

Ахмедшаева Мавлюда Ахатовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Мухитдинова Фирюза Абдурашидовна – юридик фанлар доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Эсанова Замира Нормуротовна – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, Тошкент давлат юридик университети;

Зулфиқоров Шерзод Хуррамович – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфисизлиги университети;

Хайитов Хушвақт Сапарбаевич – юридик фанлар доктори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Асадов Шавкат Ғайбуллаевич – юридик фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Давлат бошқаруви академияси;

Сайдуллаев Шахзод Алиханович – юридик фанлар номзоди, профессор, Тошкент давлат юридик университети.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ:

Хашимова Дильдархон Уринбоевна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат юридик университети;

Ибрагимова Гулнора Хавазматовна – педагогика фанлари доктори, профессор, Тошкент давлат иқтисодиёт университети;

Закирова Феруза Махмудовна – педагогика фанлари доктори, Тошкент ахборот

технологиялари университети хузуридаги педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоқ маркази;

Тайланова Шохидা Зайнисевна – педагогика фанлари доктори, доцент.

ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Каримова Васила Маманосировна – психология фанлари доктори, профессор, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Ҳайитов Ойбек Эшбоевич – Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, психология фанлари доктори, профессор

Умарова Навбаҳор Шокировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Амалий психологияси кафедраси мудири;

Атабаева Наргис Батировна – психология фанлари доктори, доцент, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети;

Қодиров Обид Сафарович – психология фанлари доктори (PhD), Самарканд вилоят ИИБ Тиббиёт бўлими психологик хизмат бошлиғи.

СОЦИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ:

Латипова Нодира Мухтаржановна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллый университети кафедра мудири;

Сеитов Азамат Пўлатович – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон миллый университети;

Содиқова Шоҳида Марҳабоевна – социология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистон халқаро ислом академияси

СИЁСИЙ ФАНЛАР

Назаров Насриддин Атакулович –сиёсий фанлар доктори, фалсафа фанлари доктори, профессор, Тошкент архитектура курилиш институти;

Бўтаев Усмонжон Хайруллаевич –сиёсий фанлар доктори, доцент, Ўзбекистон миллый университети кафедра мудири.

ОАК Рўйхати

Мазкур журнал Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2022 йил 30 ноябрдаги 327/5-сон қарори билан тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, юридик ва педагогика фанлари бўйича илмий даражалар бўйича диссертациялар асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхати (Рўйхатга) киритилган.

Crossref DOI:

Таҳририят Crossref DOI нинг расмий аъзоси ҳисобланади ва 10.47.390 DOI префиксига эга. Ҳар бир нашр ва илмий мақолага индивидуал Crossref DOI рақами берилади.

Google Scholar

Журнал Google Scholar (Академия) да индексацияланади.

“Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари” электрон журнали 1368-сонли гувоҳнома билан давлат рўйхатига олинган.

Муассис: “SCIENCEPROBLEMS TEAM”
масъулияти чекланган жамият.

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-уй.

Электрон манзил:

scienceproblems.uz@gmail.com

МУНДАРИЖА

07.00.00 – ТАРИХ ФАНЛАРИ

Axmedov Jasurbek, Jabborova Gavharshod
QANQA ARXEOLOGIK YODGORLIGINI MUZEYLASHTIRISH MASALASI 9-14

Шуҳрат Эргашев
ФРАНЦИЯДА ИККИНЧИ РЕСПУБЛИКА ИНҚИРОЗИ ВА 1851 ЙИЛГИ ДАВЛАТ
ТҮНТАРИШИ 15-23

Касимова Шахноза Алишеровна
ПРИЕМЫ ЭФФЕКТИВНОЙ КОММУНИКАЦИИ В МУЗЕЙНОЙ ЭКСКУРСИИ 24-29

08.00.00 – ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ

Файзиева Ширин Шодмоновна
АГРОКЛАСТЕРЛАР ВА МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРУВЧИЛАР ЎРТАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИНГ
ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ 30-35

Musagaliyev Ajsiniaz Жумагулович, Dустова Мухайё Худайбердиевна
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ КОРХОНАЛАРИНИ Қўллаб-қувватлаш борасидағи айрим
МАСАЛАЛАР 36-41

Murodova Nargiza Utkirovna
TURIZM MARKETING FAOLIYATIDA STRATEGIK BOSHQARUVNING AHAMIYATI 42-47

Kuchkarov Baxrom Kuziyevich, O'rmonov Xasanboy Xaydarovich
KOMPANIYALARNING MOLIYAVIY TO'LOVGA LAYOQATSIZLIGI XAVFINI ANIQLASH 48-55

Temirova Feruza Sagdullayevna
MARKETINGNING ZAMONAVIY TEHNOLOGIYASI -
BRENDING FAOLIYATINI RIVOJLANТИRISH 56-62

Sobirova Marhabo Haitovna
MEVA-SABZAVOT KOOPERATSIYASINING IQTISODIY SAMARADORLIGINI OSHIRISH
YO'LLARI 63-67

Mamajonova Gulasal Oribjon qizi
KORXONALARIDA ISHLAB CHIQARISH QUVVATLARIDAN FOYDALANISHNING
SAMARADORLIGINI OSHIRISH MASALALARI 68-77

Davlyatshayev Akmal Ashurmamatovich
O'ZBEKİSTON IQTISODIYOTINING RIVOJLANISHIDA INVESTITSIYA RISKLARINI
BOSHQARISH SAMARADORLIGINI OSHIRISH 78-87

<i>Тўхтамишов Азиз Қаҳрамонович</i>	
КЛАСТЕР ЁНДАШУВИ АСОСИДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ МОҲИЯТИ, МАЗМУНИ ВА ТАМОЙИЛЛАРИ	88-101
<i>Каржавова Хуршида Абдумаликовна</i>	
МАҲАЛЛА ТИЗИМИДА ИННОВАЦИОН ИЖТИМОЙ ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ	102-110
<i>Soliyev Dilmurod Jamolovich</i>	
AYLANMA MABLAG'LARNI SAMARALI BOSHQARISH KORXONA FAROVONLIGINING ASOSIDIR	111-119
<i>Sultonova Mushtariy Abdulabbosovna</i>	
RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA BUXGALTERIYA HISOBINI TASHKIL ETISH MASALALARI	120-130

09.00.00 – ФАЛСАФА ФАНЛАРИ

<i>Тўраев Шавкат Нишонович</i>	
ЖАМИЯТ МАФКУРАСИ ИЖТИМОЙ САФАРБАР ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛИ	131-137
<i>Qodirov Davronbek Hoshimovich</i>	
TASAVVUF TA'LIMOTINING NAZARIYOTCHISI – ABULQOSIM QUSHAYRIY	138-143
<i>Sharipov Dilshod Baxshilloyevich</i>	
TINCHLIKNING UNIVERSAL (DUNYOVIIY) TARTIB BO'YICHA TAHLILI	144-148

10.00.00 – ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

<i>Гаппаров Алибек Қаршибоевич</i>	
ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК АСПЕКТИ	149-155
<i>Fayzieva Zuxra, Sharipova Yoqt Qudratillayevna</i>	
APPLICATION OF GAME TECHNOLOGIES IN TEACHING FOREIGN LANGUAGE TO THE BLIND AND VISUALLY IMPAIRED	156-161
<i>Ахмедшина Лилия Рафаэльевна</i>	
РЕПРЕЗЕНТАЦИЯ КОНЦЕПТОВ «МУЖ » и «ЖЕНА» В ПОСЛОВИЦАХ И ПОГОВОРКАХ.....	162-166
<i>Kholmuminova Makhliyo</i>	
DIFFERENCE BETWEEN MEANINGS IN UZBEK AND ENGLISH LANGUAGES	167-171
<i>Shirinova Yekaterina</i>	
NUTQIY TAFAKKURNING PSIXOLINGVISTIK MUAMMOLARI	172-178

12.00.00 – ЮРИДИК ФАНЛАР

<i>Кутлымуратов Фарҳад Қалбаевич</i> ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИДАР ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ	179-185
<i>Kasimov Nodirjon Sodikjonovich</i> QASDDAN ODAM O'LDIRISH JINOYATINING TUSHUNCHASI, TAVSIFI VA JINOIY HUQUQIY XUSUSIYATLARI	186-196
<i>Урманбаева Ферузахон Саттаровна</i> ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИКНИНГ ЗАРУРИЯТИ ВА МОҲИЯТИ	197-203

13.00.00 – ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ

<i>Tursunaliyev Ilhomjon Axmedovich</i> “HAYOT DAVOMIDA TA'LIM” – JISMONIY TARBIYA VA SPORT MUTAXASSISLARINI UZLUKSIZ KASBIY RIVOJLANTIRISHNING PEDAGOGIK MEXANIZMI SIFATIDA (NAZARIY JIHATLAR TAHLILI)	204-210
<i>Mamatqosimov Jahongir Abirqulovich</i> BO'LAJAK REJISSLARNING KASBIY KOMPETENSIYALARINI TAKOMILLASHTIRISHDA TRENING MASHQLARINING AMALIY AHAMIYATI	211-217
<i>Turdimurodov Dilmurod Yo'ldoshevich</i> YUQORI SINF O'QUVCHILARIDA QAT'IYATLILIK SIFATINI JISMONIY TARBIYA DARSLARIDA TARBIYALASH	218-223
<i>Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна</i> ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ ПСИХОЛОГИК-ПЕДАГОГИК ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ	224-229
<i>Mengliqulov Xayrulla Aliqulovich</i> HARAKATLI O'YINLAR ORQALI 14-15 YOSHLI SUZUVCHLARNING JISMONIY SIFATLARINI RIVOJLANTIRISH	230-236
<i>Fayzullaeva Madina Abdumumin kizi</i> ADVANCED PEDAGOGICAL EXPERIENCES IN ORGANIZING AND DEVELOPING THE EDUCATIONAL PROCESS ON THE BASE OF DIGITAL TECHNOLOGIES	237-244
<i>Yusupov Dilmurod Abdurashidovich</i> YADRO FIZIKASI BO'LIMLARINI O'QITISHDA INNOVATSION KOMPYUTER TEXNOLOGIYALARINI QO'LLASH ORQALI TALABALAR FAOLLIGINI OSHIRISH	245-254
<i>Ergashev Omonboy Turgunbayevich</i> TALABALARNING BADIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOIY ZARURATI VA PEDAGOGIK ASOSLARI	255-260

Ruzmetova Novval Vahabdjanovna

- THE ROLE OF FOLK TRADITIONS IN FORMING LEGAL CULTURE OF STUDENTS OF LAW
SCHOOLS 261-269

Raxmatov Otabek Urinbosarovich

- BO'LAJAK JISMONIY TARBIYA O'QITUVCHILARIDA MILLIY SPORT TURLARI ASOSIDA AMALIY
KOMPETENTLIKNI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI 270-274

Makhmudov Furqat Djumaboyevich

- YORUG'LIK KVANT NAZARIYASINING VUJUDGA KELISHI. YORUG'LIK KVANTI MAVZUSINI
O'QITISH USULLARI 275-281

Бабахова Гулзиба Зиятбаевна

- К ВОПРОСУ МЕТОДИКИ ИЗУЧЕНИЯ ТЕОРИИ АТОМОВ ВОДОРОДА ПРИ ПРЕПОДАВАНИИ
КУРСА КВАНТОВАЯ МЕХАНИКА 282-289

Dexkanov Sherzod Abdumatalibovich

- KAFEDRALARARO BITIRUV MALAKAVIY ISHLARINI TAYYORLASH – SIFATLI TA'LIMNI
TA'MINLASHNING MUHIM OMILI SIFATIDA 290-296

Ҳакимова Муқаддас Ҳасановна

- КОМПЕТЕНТЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ
ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК ИЖОДКОРЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ 297-301

12.00.00 – Юридик фанлар

Қутлымуратов Фарҳад Қалбаевич
юридик фанлар номзоди, доцент,
Қарақалпоқ давлат университети
мустакил изланувчиси.
q.farxad@karsu.uz

ЮРИДИК ШАХСНИ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШДА СОЛИДАР ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Бугунги қунда янгидан вужудга келган юридик шахснинг қайта ташкил этилган юридик шахснинг мажбуриятлари юзасидан кредитор олдида солидар жавобгарлиги масалалари қонунчиликда жуда мавхум ва фрагментар кўринишда ифодаланганилиги кўзга ташланади. Қолаверса, фуқаролик ҳуқуқи назарияси ва мамалиётида ҳам ушбу масала алоҳида тадқиқот предметининг обьекти сифатида ёритилмаган. Шу сабабли солидар жавобгарликнинг ушбу турига хос бўлган жиҳатлар ҳамда жавобгарликнинг мазкур шаклини ҳуқуқий тартибга солишининг муҳим жиҳатларини тадқиқ қилиш долзарбdir.

Калит сўзлар: юридик шахс, қайта ташкил этиш, мажбурият, ҳуқуқий форис, акциядорлик жамияти, солидар жавобгарлик, қўшиб юбориш, бўлиш.

Кутлымуратов Фарҳад Қалбаевич
Кандидат юридических наук, доцент, соискатель
Каракалпакского государственного университета

ВОПРОСЫ СОЛИДАРНОЙ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ПРИ РЕОРГАНИЗАЦИИ ЮРИДИЧЕСКОГО ЛИЦА

Аннотация. На сегодняшний день вопросы солидарной ответственности вновь образованного юридического лица перед кредитором по обязательствам реорганизованного юридического лица в законодательстве носят очень абстрактный и фрагментарный характер. Более того, в теории и практике гражданского права этот вопрос не рассматривается как отдельный предмет изучения. Поэтому важно изучить специфику данного вида солидарной ответственности и важные аспекты правового регулирования этой формы ответственности.

Ключевые слова: юридическое лицо, реорганизация, обязательство, обращение взыскания, акционерное общество, солидарная ответственность, слияние, разделение

Kutlymuratov Farkhad Kalbaevich
candidate of legal sciences, associate professor,
scientific researcher of Karakalpak State University

ISSUES OF JOINT RESPONSIBILITY IN THE REORGANIZATION OF A LEGAL ENTITY

Abstract. Today, the issues of joint responsibility of the newly formed legal entity to the creditor for the obligations of the reorganized legal entity are very abstract and fragmentary in the legislation. Furthermore, in the

theory and practice of civil law, this issue is not covered as a separate subject of study. Therefore, it is important to study the specifics of this type of joint liability and important aspects of the legal regulation of this form of liability.

Key words: legal entity, reorganization, obligation, legal foreclosure, joint-stock company, joint responsibility, merger, division



<https://doi.org/10.47390/1342V3I3Y2023N24>

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ бугунги кунда юридик шахсларни қайта ташкил этиш ва тугатишнинг ўзига хос тартиб ва тамоиллари мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик қонунчилигига кўра, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш мураккаб жараён бўлиб уни амалга оширишнинг бир қатор шакллари мавжуд: қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш кўринишида амалга оширилиши мумкин.

Бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганда (ташкилий ҳуқуқий шакли ўзгартирилганда), қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва бурчлари топшириш ва қабул қилиш хужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Шуни ҳам таъқидлаб ўтишимиз керак, ҳозирги кунда ривожланган давлатлар компаниялари молиявий ҳаражатларни қисқартиши учун ишлаб чиқаришга оид бўлмаган бўлинмаларини ажратиб юборишини афзал кўрмоқдалар. Шулар қатори, ушбу масаланинг жавобгарлик томонларини ҳам кўриб чиқиш лозим ҳисобланади.

Ҳуқуқ субъектлигининг мажбурий элементларидан бири ўз зиммасидаги мажбуриятларни бажара олиш ва улар учун жавобгарлик ҳисобланади. Ҳуқуқ субъекти тегишли ҳуқуқий муносабатга киришар экан, ўз хатти-ҳаракатининг оқибатини англаштириш ва унинг учун жавоб бериш лаёқатига эга бўлиши зарурки, бу тўлиқ ҳуқуқ субъектлиги категориясининг энг муҳим элементидир. Фуқаролик ҳуқуқида ҳам ҳуқуқ субъектлиги категориясининг энг зарурий элементи бу хатти-ҳаракат учун жавобгарлиkdir. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг бир қатор моддаларидан англашилади. Бунда фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари ҳисобланган фуқаролар, юридик шахс ва давлатнинг ҳуқуқ субъектлигига жавобгарлик асосий ҳолатларда бири сифатида назарда тутилган. Жумладан, ФКнинг 25-моддасига кўра, фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига қарашли бутун мол-мулки билан жавоб беради, қонунга мувофиқ ундирувни қартиш мумкин бўлмаган мол-мулк бундан мустасно. Юридик шахснинг ҳуқуқ субъектлигига оид энг асосий қоидаларни назарда тутувчи ФКнинг 39-моддаси 1-қисмига биноан, ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади. Айнан шундай қоида давлатга нисбатан ҳам белгиланган

бўлиб, ФКнинг 79-моддаси З-қисмига мувофиқ, давлат ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари бўйича ўз мулки бўлган маблағлари билан жавоб беради.

Жавобгарлик фуқаролик ҳуқуқ субъектлилигининг муҳим элементи ҳисобланиши ва шахс ўз мажбуриятлари учун жавобгар бўла олиши орқали тўлиқ ҳуқуқ субъектлилигига эга бўлиши борасида юридик адабиётларда бир қатор фикрлар билдирилган. Жумладан, Р.Ж.Матқурбановнинг фикрига кўра, фуқаролик муомала лаёқати – бу қонунда белгиланган ёшга етгандан сўнг, руҳий жиҳатдан соғлигини ҳисобга олган ҳолда, ўз ҳаракатларини мустақил амалга ошириш ва ўзи содир этган фуқаролик ҳуқуқбузарлиги учун юридик жавобгарликни зиммасига олишнинг қонунда белгиланган юридик лаёқатидир[1. Б.13.].

О.Оқюловнинг фикрича, ҳуқуқ субъектлари сифатида фуқаролар ўзларининг руҳий ҳолатлари, ақлий расоликлари ва иродавий имкониятларидан келиб чиқиб муомала лаёқатига эга бўладилар. Муомала лаёқати, битимлар тузишга бўлган лаёқат сифатида битим моҳиятидан келиб чиқувчи, унинг мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарликни зиммага олиш лаёқати ҳам ҳисобланади[2. Б.128.].

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг таъкидлашига биноан, фуқаро ўз мажбуриятлари (шу жумладан тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлган мажбуриятлар, бунга шунингдек якка тадбиркорларнинг мажбуриятлари ҳам киритилади) бўйича ўзига тегишли барча мол-мулки билан жавоб беради. Фуқаро ўз номидан қатнашган мажбуриятлари бўйича жавоб беради. Агарда мазкур мажбуриятларнинг иштирокчилари бирнеча нафар фуқаролар бўлса, бундай ҳолатда улар улушли ёки солидар жавобгарлиги асосида жавоб берадилар (ЎзР ФКнинг 251-255-моддалари). Фуқаронинг мажбуриятларни қаноатлантиришга қаратиладиган унга тегишли мол-мулк сифатида, унинг барча мол-мулки, шу жумладан шахсий мол-мулки, ва шунингдек умумий ёки биргаликдаги мулкдаги улушлари назарда тутилади[3. Б.46.].

И.Б.Зокировнинг фикрича, субсидиар жавобгарлик – қарздор томонидан мажбурият бўйича қарзнинг қопланмаган қисмига нисбатан учинчи шахснинг қўшимча жавобгарлиги ҳисобланади. Соддороқ қилиб айтганда, субсидиар жавобгар кредитор олдида асосий қарздорнинг жавобгарлигига нисбатан қўшимча жавобгарликни ўз зиммасига олади. Кредитор дастлаб мажбурият бўйича жавобгарликни асосий қарздорга қаратади, агар у бажарилмаса субсидиар қарздор муносабатга жалб этилади[4. 460.].

Албатта, фуқаролик ҳуқуқи субъектлари ўз мажбуриятлари юзасидан ўзлари жавоб беришлари лозим. Бироқ ҳамма вақт ҳам мажбурият томонлар фақат икки нафар шахс бўлавермайди ҳамда ҳар доим ҳам ҳуқуқбузарлик фақат бир киши томонидан содир этилмайди. Қолаверса, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бир шахс номидан бошқа шахсларнинг иштирок этиши, мураккаб тузилма ҳисобланган юридик шахс номидан унинг филиали иштирок этиши ёхуд, юридик шахс билан унинг муассасислари ўртасидаги муносабатларнинг мавжудлиги ҳамда давлат ва унинг юридик шахслар томонидан мажбуриятларнинг бажарилмаслиги ҳолатлари каби ўзига хос ҳуқуқий конструкциялар юзага келадики, бу ҳолатда фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик одатдаги тарзда, зиммасида мажбурият мавжуд бўлган шахс томонидан амалга оширилишини англатмайди. Бундай ҳолатда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ўзига хос икки тури: солидар ёки субсидиар жавобгарликдан бири қўлланилиши юзага келади.

Эътироф этиш лозимки, солидар ва субсидиар атамалари лотин тилидан олинган бўлиб, тегишинча, шерик ва қўшимча маъноларини англатади. Фуқаролик хуқуқий жавобгарлик мазкур икки тури хусусидаги энг муҳим қоидалар бевосита юридик шахснинг муассаси ва юридик шахснинг учинчи шахслар олдидаги биргаликдаги жавобгарлик ҳолатида кимнинг қай даражада жавобгарликни зиммасига олиши билан боғлиқ. ФКнинг 48-моддаси 1-3-қисмлари юридик шахснинг жавобгарлигига оид умумий қоидаларни назарда тутади. Унга қўра, юридик шахс ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб беради.

Давлат корхонаси ва мулқдор томонидан молиявий таъминланадиган муассаса ўз мажбуриятлари бўйича ушбу Кодекс 72-моддаси бешинчи қисмида ҳамда 76-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида жавоб берадилар.

Юридик шахс муассиси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулкининг эгаси юридик шахснинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, юридик шахс эса муассис (иштирокчи) ёки мулқдорнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, ушбу Кодексда ёки юридик шахснинг таъсис хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

ФКнинг 48-моддаси 4-қисми эса, муассасисларнинг юридик шахс мажбуриятлари учун жавобгарликни белгилайди ва айнан қайси ҳолатлар учун муассис юридик шахс мажбуриятлари учун жавоб беришини ва бу жавобгарлик фуқаролик-хуқуқий жавобгарликнинг қайси турига киришини назарда тутади. Ушбу нормага мувофиқ, агар юридик шахснинг начорлиги (банкротлиги) шу юридик шахс учун мажбурий кўрсатмаларни бериш ҳуқуқига эга бўлган муассис (иштирокчи) сифатидаги шахснинг ёки юридик шахс мол-мулки мулқдорнинг ғайриқонуний ҳаракатлари туфайли вужудга келтирилган бўлса, юридик шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда бундай шахс зиммасига унинг мажбуриятлари бўйича субсидиар жавобгарлик юклатилиши мумкин[5. Б.86-89 бетлар].

Умумий қоидага биноан юридик шахснинг таъсисчилари (иштирокчилари) унинг қарзлари бўйича жавобгар бўлмайдилар. Қонун билан жавобгарлик ўрнатилган ҳоллар ҳам мавжуд. Бундай жавобгарлик, қўшимча характерга эга бўлиб, юридик шахснинг жавобгарликдан озод бўлиши учун унинг етишмай қолган мол-мулкнинг доирасида белгиланади.

Ҳ.Р.Рахмонкулов ва С.С.Гулямов ширкатнинг хусусиятлари сифатида камида икки иштирокчи бўлишилиги, аъзоларнинг ширкат мажбурияти юзасидан чекланмаган солидар жавобгарлиги, юқори даражадаги ишонч ва тадбиркорлик фаолияти соҳасида тан олишликни кўрсатадилар[6. Б.107.]. Т.В.Кашанина эса ширкат кишиларнинг ихтиёрий-шартномавий бирлашмаси эканлиги, мулкий ва шахсий имкониятларни ҳамда мулкий воситаларни бирлаштириши, биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятидан фойда олишни кўзлашини эътироф этса[7. 161-162 бетлар], Аль-Маращдех Маджед Ахмед ширкат иштирокчиларнинг шахсий иштироки ва ўзаро ишончига асосланишини таъкидлади[8.Б.10.] Ж.Юлдашев хўжалик ширкатларининг ўзига хос хусусиятлари сифатида хўжалик ширкатида унинг мажбуриятлари учун иштирокчилар ўз мулклари билан солидар ва субсидиар тарзда жавобгар бўлиши, ширкатнинг тадбиркорлик фаолиятида иштирокчиларнинг шахсий иштироки (командитчилардан ташқари) бирламчи эканлиги, ширкатда таъсис хужжати таъсис шартномаси ҳисобланиши ва бошқаларни келтириб ўтади[9. Б.53.].

М.Х.Баратовнинг фикрича, агар мажбурият муносабатларида давлат ўз номидан, бевосита иштирок этса, унинг ҳокимият эгаси сифатидаги ваколатлари мазкур мажбурият муносабатларига таъсир этмаса-да, фуқаролик-хуқуқий муносабатлардаги давлат иштирокининг ўзига хос хусусиятлари сақланиб қолади. Мажбурият муносабатларидаги давлатнинг билвосита иштирокида эса, тузиладиган битим ва шартномада давлатнинг номи кўрсатилмайди ва бунда давлат фақатгина мажбуриятни бажарилмаслиги оқибатида, қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолатларда субсидиар жавобгар бўлади[10. Б.42.].

Н.А.Қўлдошевнинг таъкидлашига биноан, ички ишлар органлари (яъни ИИВ) давлат номидан ёки маъмурий орган сифатида фуқаролик-хуқуқий муносабатларда фақат қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда тор доирада қатнашади, бундай ҳолларда уларнинг фуқаролик-хуқуқий жавобгарлиги учун давлат ҳам субсидиар жавобгар бўлади. Бироқ, ички ишлар органларининг юридик шахс сифатида фуқаровий-хуқуқий шартномалар тузиши оқибатида келиб чиқадиган мулкий жавобгарлиги мустақил жавобгарликдир, бунда давлатнинг субсидиар жавобгарлиги мажбуриятларининг етмаган қисми учун келиб чиқади[11. Б.47.].

Кўриниб турибдики, субсидиар жавобгар ҳар доим қўшимча жавобгарликни юзага келтиради ва фақатгина қарздор ўз зиммасидаги мажбуриятни бажариш учун маблағи етарли бўлмагандан унинг учун жавоб бериши лозим бўлган шахс томонидан амалга оширилади. Агар қарздорнинг мажбуриятларни қоплаши учун маблағи етарли бўлса, субсидиар жавобгарлик юзага келмайди. Шу боис қарздор учун жавобгарликни зиммасига олиши лозим бўлган шахснинг субсидиар жавобгарлигини белгилаш учун аввало қарздорнинг маблағлари етарли эмаслиги аниқланиши лозим.

Қайта ташкил этишда кредитор ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатларидан бири ҳисобланган қайта ташкил этишда ҳуқуқий ворис кимлигини аниқлашнинг имкони бўлмагандан янгидан вужудга келган юридик шахснинг солидар жавобгарлиги ҳисобланади. Қайта ташкил этиш жараёнида бундай ноаниқликнинг вужудга келиши эса ҳуқуқий ворисликни белгилаши лозим бўлган ҳужжат билан боғлиқдир. Бундай ҳужжат эса қонунчиликка кўра топшириш ҳужжатидир. ФКнинг 51-моддаси биринчи қисмida келтирилишича, топшириш ҳужжати қуидаги учта муҳим масалани ўзида ифодалаши лозим:

- 1) қайта ташкил этилган юридик шахснинг барча кредиторлари ва қарздорларига нисбатан барча мажбуриятлари;
- 2) тарафлар низолашаётган мажбуриятлар;
- 3) ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги қоидалар.

Навбатдаги масала эса, айрим хорижий мамлакатларнинг юридик шахсларни қайта ташкил этиш таомилларини тартибга солувчи қонунчигида қайта ташкил этилаётган ташкилотдан муайян мулкий ундирувлардир. Бундай тўловлар фақат қайта ташкил этилаётган ташкилот ёки унинг мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатларига асосланади. Масалан, Хитой Халқ Республикасининг “Компаниялар тўғрисида”ти қонунининг 217-моддасида компанияни қўшиб юбориш, бўлиш, унинг рўйхатдан ўтган капиталини қисқартириш ёки ҳисоб-китобларни амалга оширишда кредиторларни хабардор қилиш ёки бу ҳақда эълон бериш ушбу қонун талабларини бузиб амалга оширилган бўлса, ҳолатни тўғрилаш ҳақида фармойиш чиқарилади. Бунда

компания томонидан 10 юандан 100 юангача миқдорда жарима тұланиши белгиланиши мүмкін. Агар ҳисоб-китоблар амалға оширилаётганды компания мол-мұлкини яширса, пассив ёки активларни ифодалаган сохта құжаттарни түзса ёхуд қарзлар тұланмагунига қадар мол-мұлкини тасарруф этса, ҳолатни тұғрилаш ҳақида фармойиш чиқарилади. Компанияға яширилған ёки қарзлар тұланмагунича тасарруф этилған мол-мұлк қийматининг 1 дан 5%гача миқдорда жарима солинади. Масъул мансабдор шахсларға ва қонун бузилишларға алоқадор шахсларға 10 мингдан 100 минг юангача жарима тұлаш мажбурияты юқлатилади. Агар бу ҳаракатларда жиноят таркиби мавжуд бўлса, айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилади.

Германиянинг Акциядорлик қонуни кредиторларға қайта ташкил этиш натижасида етказилған заарларни қоплашни талаб қилиш имкониятини беради. Бироқ ушбу ҳуқуқ фақат қайта ташкил этилаётган жамиятдан белгиланған тартибда қаноатлантириш олмаган кредиторларға қўлланилади. Германия фуқаролик қонунчилиги ҳам АЖларни қўшиб олишда солидар жавобгарлик институтидан фойдаланишни назарда тутади. Бироқ ушбу ҳолатда солдир жавобгарлик қайта ташкил этилған ёки янгидан вужудга келган юридик шахсга, балки жамиятнинг мансабдор шахсларига юқлатилади. Германия Акциядорлик қонунининг 349-параграфига мувофиқ, кредиторлар солидар қарздорлар ҳисобланған компаниянинг бошқарув ва қузатув кенгashi аъзоларига заарни қоплаш тұғрисидаги талабни қўйишга ҳақли бўладилар. Бундай талаб, агар бошқарув ёки қузатув кенгashi аъзоси жамият мулкий ҳолатини текширишда ва қўшиб олиш тұғрисидаги шартномани тузишда етарлича ғамхўрлик қилмагани оқибатида кредиторлар жамиятни қайта ташкил этишдан тегишли қаноатлантиришни олмаганида билдирилиши мүмкин.

Қайта ташкил этилған субъект ҳуқуқ ва мажбуриятларини тақсимлаш балансига мувофиқ унинг ҳуқуқий ворисларига ўтиши қайта ташкил этиш жараёнининг янги иштирокчиси – янгидан вужудга келган юридик шахснинг солидар жавобгарлигини юзага келтиради. Қайта ташкил этилған юридик шахс кредиторлари мажбуриятни бажариш талаби билан исталған ҳуқуқий ворисга мурожаат қилиши мүмкин бўлади. Бунда ҳуқуқий ворисга тақсимлаш балансига кўра тегишли мажбуриятнинг ўтганлиги аҳамиятга эга бўлмайди. Бу ҳолатда қайта ташкил этилаётган юридик шахс ҳуқуқ ва мажбуриятлари ўртасида teng тақсимланған ҳуқуқий ворисларнинг манфаатларини бузилиши мүмкин.

Бу ҳолатда юридик шахснинг оммавий-ҳуқуқий мажбуриятларига нисбатан бўлиш (ажратиб чиқариш)да ҳам намоён бўлади ва бу муаммо Солиқ кодексида ҳал этилған. Хусусан, Солиқ кодексининг 92-моддаси тўққизинчи қисмига кўра, бир неча ҳуқуқий ворислар мавжуд бўлган тақдирда, улардан ҳар бирининг қайта ташкил этилған юридик шахснинг солиқ мажбуриятини бажаришдаги иштироки улуши фуқаролик қонунчилигига мувофиқ тузилған тақсимлаш баланси билан аниқланади. Агар тақсимлаш баланси қайта ташкил этилған юридик шахснинг ҳар бир ҳуқуқий ворисининг улушини аниқлаш имконини бермаса, янгидан вужудга келган юридик шахслар қайта ташкил этилған шахснинг солиқ мажбуриятини суднинг қарорига кўра солидар бажариши мүмкин.

Шу билан бирга, қайта ташкил этилған юридик шахс ҳуқуқий ворисларини солидар жавобгарликка тортиш муаммоси тақсимлаш баланси бўйича тегишли

мажбурият ўтказилган ҳуқуқий ворисда мажбуриятни бажариш пайтида етарлича мол-мулк бўлмаганида ҳам юзага келади. Бу ҳолатда фақат тегишли мажбурият юклатилган ҳуқуқий вориснинг эмас, балки барча ҳуқуқий ворисларнинг солидар жавобгарлиги юзага келишига оид қоидани қонунчиликда белгилаш мақсадша мувофиқ бўлади.

Хуроса сифатида, айтганда, қайта ташкил этилаётган юридик шахснинг ҳуқуқий вориси масалани топшириш ҳужжати ва тақсимлаш баланси аниқлаб бермаганида қўлланиладиган солидар жавобгарликка оид ФКнинг 52-моддаси учинчи қисмини қуидаги мазмунда ифодалаш мақсадга мувофиқдир:

Агар топшириш далолатномаси юридик шахснинг мажбурияти бўйича ҳуқуқий ворисни аниқлашга имкон бермаса, шунингдек, топшириш далолатномаси ёки бошқа ҳолатларга кўра, қайта ташкил этилган юридик шахсларнинг активлари ва мажбуриятлари қайта ташкил этиш пайтида инсофсизлик билан тақсимланган бўлса, ва бу кредиторларнинг манфаатларини сезиларли даражада бузишга олиб келган бўлса, қайта ташкил этилган юридик шахс ва қайта ташкил этиш натижасида яратилган юридик шахслар бу мажбурият бўйича солидар тартибда жавобгардир.

Адабиётлар/Литература/References:

1. Аль-Маращдех Маджед Ахмед. Хозяйственное товарищество по законодательству Иордании: Автореф. дис. ... канд.юрид.наук. -Ташкент: 1999.-10 с.
2. Баратов М.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъекти сифатида давлат иштирокининг назарий ва амалий муаммолари: Юрид. фан. докт. дис. ... Автореф. – Тошкент: 2008. – 42 б.
3. Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I – қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2009. – 460 б.
4. Маткурбанов Р.Ж. Проблемы правосубъектности граждан (физических лиц) в гражданском праве: Автореф. дис. ... канд. юрид. наук. –Ташкент: 2009. – 13 с.
5. Оқюлов О. Тадбиркорларнинг мулкий жавобгарлиги. -Тошкент: Адолат, 2001. - 128 б.
6. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига шарҳлар. 1-қисм. –Тошкент: Адолат, 2010. – 46 б.
7. Имомов Н.Ф.Юридик шахс моҳиятининг фуқаролик-ҳуқуқий талқини (назарий масалалар). – Т.: ТДЮУ, 2017. – 86-96 б.
8. Раҳмонқулов Х.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. -Тошкент: ТДЮИ, 2007. -107 б.
9. КашанинаТ.В. Корпоративное право Учебник. -М.:НОРМА-ИНФРА-М, 1999. -161-162 с.
10. Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида: Юрид. фан. номз. дис. ... –Тошкент: 2008. -53 б.
11. Қўлдашев Н.А. Ички ишлар томонидан етказилган заарни қоплашнинг фуқаролик-ҳуқуқий масалалари: Юрид. фан. номз. дис. ... –Тошкент: 2010. – 47 б.

SCIENCEPROBLEMS.UZ

**ИЖТИМОЙ-ГУМАНИТАР ФАНЛАРНИНГ
ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ**

N^o 3 (3) – 2023

**АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ СОЦИАЛЬНО-
ГУМАНИТАРНЫХ НАУК**

ACTUAL PROBLEMS OF HUMANITIES AND SOCIAL SCIENCES

**Ижтимоий-гуманитар фанларнинг
долзарб муаммолари**" электрон
журнали 2020 йил 6 август куни 1368-
сонли гувоҳнома билан давлат
рўйхатига олинган.

Муассис: "SCIENCEPROBLEMS TEAM"
масъулияти чекланган жамият

Таҳририят манзили:

100070. Тошкент шаҳри, Яққасарой
тумани, Кичик Бешёғоч кўчаси, 70/10-
уй. Электрон манзил:
scienceproblems.uz@gmail.com

Боғланиш учун телефонлар:
(99) 602-09-84 (telegram).